

ҚУВОНЧ УТКИНЧИ, МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЙ!

Туркистон

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 23 август, чоршанба. №64-65 (14347)

Истиқлол йилномаси

* 1999 йил 7-8 октябрь — Президент Леонид Кучма таклифи билан Ислом Каримов Украинада бўлди.

* 1999 йил 9 октябрь — Артур Григорьян тўққизинчи бор жаҳон чемпиони бўлди.

* 1999 йил 18 декабрь — Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги кенг тантана қилинди.

БИЗНИ ХЕЧ КИМ ЕНГОЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов 22 август куни Сурхондарё вилоятининг халқаро террорчиларни тугатиш операцияси давом этаётган Саросиё ва Узун туманларида бўлди.

Президент Ислом Каримов Сурхондарёга йўл олар экан, самолётда журналистлар билан мулоқотда бўлди. Мамлакатимиз раҳбари суҳбат чоғида халқаро террорчиларнинг Ватанимизга суқилиб киришга уринишдан кўзлаган мақсадлари ва уларни хорижда қўллаб-қувватлаётган кучлар ҳақида тўхтади. Босқинчиларнинг асосий мақсади халқимизнинг осойишта ҳаётига раҳна солиш, бизни қатъий танлаган йўлимиз - демократик жамият қуриш, амалга ошираётган ислохотларимиз йўлидан оғирлиш, иродаси заифроқ кишиларнинг кўнглида ваҳима туғдиришдир.

Маълумотларга қараганда, халқаро террорчилар ана шундай ёвуз ниётларига етиш учун кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, қўшни Тожикистоннинг тоғли ҳудудлари орқали мамлакатимизга суқилиб кирмоқчи бўлган.

Гарчи, деб таъкидлади Президент Ислом Каримов, Тожикистон давлати мазкур террорчиларнинг юртимизга ўз худуди орқали ўтганини инкор этаётган бўлса-да, бу ҳар томонлама исботини топмоқда. Лекин биз бундай вазият юз бергани учун барча айбни қардош Тожикистон Республикаси ҳукумати зиммасига юклаш ниётдан йироқмиз. Чунки Тожикистон узок давом этган беқарорликлардан кейин эндигина нафас ростламоқда. У ерда ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳали барқарор изга тўла тушганича йўқ.

Мамлакат худудида террорчилар борлигидан Тожикистон ҳукумати ҳабардор. Лекин ҳозирча ҳукумат вазиятни ўз назоратига тўла олганича йўқ. Шундай экан, биз халқаро террорчиларга қарши Тожикистон ҳукумати билан биргаликда кураш йўлиларини ахтаришимиз ва айни чоғда, асосий эътиборимизни ўз чегараларимизни мустаҳкамлашга қаратмоғимиз лозим. Чегараларимизнинг муайян қисми баланд тоғлар ва чуқур даралардан ўтиши биз учун бу ишда тўсиқ бўлолмайди.

Президент Ислом Каримов террорчиларга қарши курашда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ меъёруларига қатъий амал қилишини алоҳида таъкидлади. Ҳар қандай террорчилик ҳаракатлари шафқатсиз равишда бостирилади.

Воқеа содир бўлган жойдан САРҲАДЛАР ЖОН БИЛАН, ИЙМОН БИЛАН ТУТАШДИР

Мустақилликка эришгандан кейинги тўққиз йил мобайнида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори беқисс даражада ўсди. Ўзбек халқининг хурлик, тинчлик ва осойишталик шариоатида эришяётган буюқ яратувчилик ишлари жаҳонда энг ривожланган мамлакатларда ҳам тан олинмоқда. Осузда ҳаётимизни кўрган айрим ёвуз ниятли мунофиқ тўдаларнинг ювиндиҳўрлари талва-сага тушиб қолдилар. Ватаниннг жанубий сарҳади ҳисобланган Сурхондарё вилоятидаги Саросиё ва Узун туманларининг баланд

тоғли ҳудудларига ана шундай ирқит, банги, инсоний хислатларидан маҳрум тўдалар суқилиб кириб, одамларимизни безовта қилишди. Лекин улар билмайдиларки, Ўзбекистон аллақачонлар ўзини ўзи ҳимоя қилаётган ишончли Қуролли Кучларига эга мамлакатга айланган. Энди бу замин фуқароларининг тинч ҳаётига раҳна солимоқчи бўлганлар аҳмоқ бўлиб қолавердилар. Бу фикрнинг исботини биз кўни кеча воқеа содир бўлган жойларда ўз кўзимиз билан кўриб қайтдик.

Саросиё тумани (Давоми 2-бетда)

Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги олдидан ЮКСАКЛАРГА ЧОРЛА БИЗНИ, ҲУМОҚУШ!

9 рақами азалдан ҳолияти сонлардан саналади. Қаерга қараманг, ақойиб бу рақам кўзга аёқол ташланмоқда. Газета-журналларнинг сифалари дейсизми, осмонупар бинолар пештоқими, бизларга қувончли воқеадан хабар бераяпти.

Ҳа, халқимиз мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрамига пухта ҳозирлик кўряпти. Шарқ машаъли деб келинган озод ва хур диёримиз Юртбошимиз раҳнамолигида ўтган тўққиз йилликда бир неча ўн йилликлар ҳажмидаги тараққиётга эришди.

Ҳар сафар жўшқин Сирдарёнинг икки қирғоғини бирлаштириб турган кўприқдан ўтганимизда соҳилда қанотларини очиб турган Ҳумо қуши тасвирига кўзим тушади. Бу кўнглини ғурурлантиради.

Қахрамон Мусаев Сирдарё туманидаги Мухтор Аvezов номидаги мактаб раҳбари. У Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро қай миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар, тенг ҳуқуққа эга эканлигидан мамнун. Қозоқ миллатига мансуб бўлган ёшларни ўз бағрига олган мактабда мустақиллик тамойилларини ўрганиш учун ҳамма имкониятлар бор.

— Бу ўлкада яшаётган ҳар бир киши Ўзбекистоннинг келажаги учун



Усмон АЗИМ

**ЎЗБЕКИСТОН
УЧУН ЖОН
БЕРСАҲТ АРЗИР**

Яшашга не етсин!.. Дунё — сеҳрли,
Улгунча сеҳрига тўймайди кўзинг.
Бошингдан гоҳ нурдай қуяр меҳрни,
Гоҳ тошлар ёғдирар — етмайди тўзим.

Гоҳ қорин ғамида чекасан захмат,
Обрў талашмоқдан гоҳ дилда тугун...
Аммо, чин яшашни истасанг, фақат
Ўзбекистон учун яшамоқ мумкин.

Ўлим ҳам бор нарса, калхатдай учар
Чумчуқдай жонингни бергани қурбон.
Бировнинг титраган товуши учар,
Биров ўз ғамида адоий тамом.

Майли, ўлимни ҳам айлагил ҳурмат,
Бандаси дунёдан битта жон қарздир...
Чиндан қурбонликка аҳд қилсанг фақат,
Ўзбекистон учун жон бермоқ арзир.

Мангу яшамоқнинг сирими? Ошқор!
Бекорга ҳар тараф урингайдирсан.
Магарким, жон бердинг юрт деб неча бор,
Англагил, қайтадан тирилгайдирсан.

жавобгар, - дейди Қахрамон ака. — Бу ўлка бизга қалбидан жой берди, оналик қилди, энди биз ҳам фарзандлик бурчини унутмаймиз.

— Биз гектаридан 90 центнердан галла ҳосили етиштирдик, - дейди Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги Самарқанд хўжалиги фермери Анорбой Эшматов. — Келажакда бор кучимни фермерликни янада ривожлантиришга сафарбар этман.

Анорбой аканиннг жамоаси ўн кишидан иборат. Ҳар кишига саккиз гектардан ер тўғри келадди. Очиғи, чўлда ҳам ишласа бўлади, мана, фермернинг техникаси бор, ўғити бор, имкониятлари етарли.

Қирғоқларга бош ураётган Сирдарё тўлқинларига назар ташлайман. Бу тўлқинлар ҳам сенга талпиняпти. Ишон, сен ҳаммани юксак парвозга ундаясан, парвозларинг муборак бўлсин, Ҳумо қуши!

Пардабой
ТОЖИБОЕВ

ҲАР ҚАРИЧ ТУПРОҚДА ВАТАН БОР

Қай халқ мустақиллик кадрига етмаса, ўша юртининг обод бўлиши кўра барбод бўлиши осонроқ кечади. Шунинг учун ҳам, бутун дунё халқлари мустақилликка эришган кунларини катта шодийна билан қарши олишади. Биз озод халқмиз. Ерсиз ва бор мол-мулкимиз ўзимизники. Аммо, ачинарли томони шуки, руҳан озодликка эришолмай юрган айрим кимсалар мустақиллик туғайли эришган фаровон ҳаётимизга кўни-қолмай, тез-тез ўзлари ўсган эски ботқоқни кўмсаб қоладилар. Улар англамайдиларки, вақти келиб вужудимиз бир сиқим тупроққа, ҳар сиқим тупроқ эса Ватаниннг бир парчасига айланади. Сайфулло ТОҒАЕВ, "Туркистон" муҳбири

КЎЗ ЁШЛАРНИНГ УВОЛИ ТУТАДИ

Кўни кеча Ўзбекистон ёшлари "Камолот" жамфармасининг йиллик мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мукофотлар олти нафар ёшга насиб этди.

— 120 нафар номзод ичидан ғолиб чиқиш — совриндорлар ҳалол меҳнат қилганидан дарак беради, - деди мукофотларни топширар экан жамфарма бошқаруви раиси Ҳотам Абдурашмов.

Таъдир қатнашчилари Ватанимиз жанубий сарҳадлари — Саросиё ва Узун туманларига суқилиб киришга уриниб, халқимиз тинч ҳаётига раҳна солимоқчи бўлган бир гуруҳ террорчиларни қораладилар. Шаҳид бўлган 12 нафар ўзбек ўғлонининг руҳи ёд этилиб, сукут сақланди.

Мукофот совриндорларининг мамлакат ёшларига мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди. Унда, жумладан, шундай дейиладди:

"Ватанимизнинг жанубий сарҳадлари — Саросиё ва Узун туманларига бир гуруҳ халқаро террорчиларнинг суқилиб киришга уриниши мамлакатимизнинг барча фуқаролари каби биз ёшларни ҳам қаттиқ ғазаблантирди. Бизларнинг ҳар биримиз бугунги кунда мустақил Ватанимизнинг, мард ва жасур Президентимизнинг фарзандлари сифатида ўз ўрнимизни чегараларимиз дахлсизлиги учун бораётган курашнинг олдинги сафарида деб биламиз. Она заминимизнинг ҳар қаричи биз учун жонимиз қадар муқаддас. Бир қарич тупроғимизни ҳам ёвуз душманларга топтатиб қўймаймиз.

Биз беғуноҳ одамларнинг осуда ҳаётини, тинч турмушини бузган фараз ниятли қабиҳ кимсалар кимларнинг ялоқхўрлари эканлигини, уларнинг ортда қандай кучлар турганини яхши биламиз. Уларнинг қилмишларини бутун инсоният кескин қораламоқда. Бундай ёвуз кимсаларни ҳалок бўлган жангчилар ота-оналарининг қарғиши урмайдими? Етим қолган гўдаклар кўз ёшининг уволи тутмайдами?

Халқимиз мустақилликка асрлар давомида курашиб, қон тўкиб, жон бериб эришди. Ота-боболаримиздан мерос қолган бу муқаддас заминни ҳеч қачон, ҳеч кимга бериб қўймаймиз!

Ақбархон МАГДИЕВ,
"Камолот" жамфармаси матбуот котиби

Шу сонга хабар

ОЛТИН ДАВРИНГ МУБОРАК

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтида талабаликка қабул қилинган йигит-қизларнинг Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишларига ишонч билан институт раҳбариятининг танишуви бўлиб ўтди.

— Бу йил институти-

Талабалик фақатгина ўқишдан иборат эмас, у ёшлиқнинг унутилмас шодлик ва қувноқлик дамлари ҳамдир.

Феруза АЗИМОВА

Маънавият — миллат кифёси

ҚУДРАТЛИ МАНБА

(Давоми. Аввали ўтган сонда)

“Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айна вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажagini кўзлаган ва унинг дунёдаги ўринини аниқ равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишига ҳодир ҒОЯНИ мен ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ деб биламан”.

Ўртбошимиз И.А.Каримов томонидан айтилган ушбу хулоса биз учун муқаддас бўлган Миллий ғоя ва Миллий Мафкуранинг моҳиятини тере тарада ўзида ифодалайди ва бу хулосада фикр юритаётган олимларга ҳам, зиёлиларга ҳам таянч нуқтаси бўлиб хизмат этади.

Чунки, Ўзбекистон халқи Мустақилликнинг ғалабасидан сўнг ягона жамиятга айланди. Жамиятнинг асосини эса кўп миллионли ўзбек халқи ташкил этишини, энг аввало Истиқлол шарофати туфайли шу халқнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиққанини, айна пайтда бу орзу-умидлар шу заминда яшаётган бошқа миллат ва элатларнинг ниятлари ва интилишлари билан уйғунлигини эътиборга оладиган бўлсак, Жамият Мафкураси Миллий Мафкура, деб аталшига муносибдир.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқадиган бўлса, унинг маъини ва моҳиятини Миллий Ғоя ташкил этади.

Миллий ғоя эса муштарак мақсадларнинг олий ифодасидир.

МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ИЛДИЗИ ТЕРАН

Одамзот доимо озодлик ва хурликка интилиб яшайди.

Бу туйғуни унга Аллоҳ таоло инъом этган, юрагининг қат-қатига жойлаган. Шунинг учун Инсон боласи ҳеч қачон қулликка иқроор бўлмайди, шундай қисмат бошига тушганда ҳам то сўнгги нафасигача эркинликдан умид қилади ва унга талпинади.

Ўзбек халқининг бутун тарихи ҳам мустақиллик учун кураш саҳифаларидан иборат.

Арсонавий Тўмарис ва Широқ, Афросиёб ва Алпомиш, Маҳмуд Таробий ва Муқанна, Жалолиддин Манғуберди ва Амир Темури ҳазратларининг, бошқа ўнлаб биз билган ва билмаган халқ фидойиларининг неча минг йиллар давомида босқинчиларга қарши олиб борган курашлари замирида мана шу муқаддас орзу муҳассам.

Шоҳ Россиясининг истилосига қарши тинмасдан турли шаклда давом этган исёнларнинг, қўзғолонларнинг, улуг маърифатпарварлар - жадидлар ҳаракатининг, октябр тўнтаришидан сўнг давом этган фуқаролар урушининг ҳам замирида битта мақсад - миллий озодликка эришиш мақсади ётганлигини ҳаммаиз яхши биламиз.

Демак, Миллий ғоя халқимизнинг қалбиде азал-азалдан устивор бўлган ва уни ўз эрки, озодлиги йўлида курашга чорлаб келган.

Шу нарсани очик эътироф этиш керакки, Миллий ғоя замирида шу заминда яшаётган элнинг, халқнинг эзгу манфаатлари ётганига қарамасдан, ўз атрофига ижтимоий аҳволи, касби-кори ва тирқилич тўтумидан қатъий назар аҳолининг барча қатламларини бирлаштира олмагани, ҳаётининг бош ва муштарак мақсадига, кўнги мулкига айлана олмагани, мана шу вазифани бажаришга ҳодир бўлган Миллий мафкуранинг шаклланиши асрлар давомида, энг ҳал қилувчи дамларда панд бериб келган.

Жалолиддин Манғуберди олиб борган узоқ йиллик тенгсиз курашларининг муваффақиятсиз туггани ҳам, Амир Темури ҳазратлари барло этган буюк салтанатнинг емирилиши ҳам, миллат мунаварлари - жадидлар ҳаракатининг заволи ҳам мана шу омил билан изоҳланади.

Ҳақат, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги эълон қилингандан сўнггина халқимиз қалбининг тубида ардоқлаб келган, Шўро тизимининг қиргин ва катагонлари даврида ҳам йўқотмаган Миллий истиқлол ғояси ғалаба қозонди ва умуммиллат мулкига айланди.

Бу зафар ҳўрғият ҳавосидан эркин нафас олган халқнинг олдига, жамиятнинг олдига янги вазифаларни қўйди.

Чунки, ўзбек халқи ўша тарихий кунда жасоратли раҳбар Ислам Каримов раҳнамолигида сиёсий мустақиллигини қўлга киритган эди.

Эндиликда озод жамиятнинг зиммасида иқтисодий, ижтимоий, маънавий мустақилликка эришиш учун эса меҳнатталаб машаққатли йилларни ва йўллари босишдек мураккаб ва шарафли вазифа турарди.

Ана шу масъулиятли даврда Миллий ғоя янгича мазмун ва моҳият билан бойиди...

ПРЕЗИДЕНТ ҒОЯСИ — МИЛЛАТ ҒОЯСИ

Истиқлол арафасида юртимизда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият - коммунистик ғоя ва мафкуранинг обрўсизланиши, кучсизланиши, сиёсий майдонга “сохта демократ”ларнинг чиқиши, диний эркинлик заминда турли хил ақидапарастлик ғояларининг кириб келиши бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида маънавий ҳибсда яшаган халқимизни андак гангитиб, эсанкиратиб қўйгани сир эмас.

Ҳақат, битта нарса - бу ҳаракатлар ҳам миллий мустақилликка эришишни ўзининг бош мақсади этиб белгилагани халқнинг илғор гуруҳи кўнглига таскин ва тасалли бериб турарди.

Бу ҳаракатларга хайрихоҳ бўлган соғлом фикрли олимлар, адиблар, санъаткорлар, халқ зиёлилари, бир қатор раҳбарлар, талаба - ёшлар кўнглида “Энг муҳими Мустақилликка эришиш, мустақилликдан қутулиш, кейин ўз йўлимизни топишимиз мумкин бўлади” деган илик бир илнж яшаб турарди.

Бахтиёр РИЗО
(Давоми бор)

САРҲАДЛАР ЖОН БИЛАН, ИЙМОН БИЛАН ТУТАШДИР

(Давоми. Аввали 1-бетда)

ВАТАНИНГ БИР ҚИСМИ...

Харбий кўмондонлик штабиде Узун тумани ҳокими Сафар Ҳасанов билан суҳбатлашдик. С.Ҳасанов вазминлик билан воқеалар хусусида сўз юритди.

— Тоғдаги воқеалар якунига оз фурсат қолди, - деди у. — Жиноятчи унсурлар учун сичқоннинг уяси минг танга бўлаётгани сезилиб турибди. Улар радиоалоқалар орқали ўз ҳомийларига мурожаат қилиб, кўнлари битаётганидан нола чекишмоқда. Ангариқози, Ҳамидарача, Регистон, Кўнқўрмас, Саринаво деб аталувчи ана шу қишлоқларимизда жами 110 хонадон бор эди. Қишлоқларнинг мактаблари, дўкон ва тиббий нуқталари бор. Бу қишлоқлар ҳам Ватаниннг бир қисмида. Ҳозир хавфсиз жойга кўчирилганлар ҳолидан туну кун хабарлашиб, барча шароитларни яратиб беряпмиз.



ЭЪТИҚОДИ БУТУН ХАЛҚ

Сариосиё тумани ҳокими, Олий Мажлис депутаты Қосимжон Холдорев штаб йиғилишидан чиқиб сўхбатимизга қўшилди:

— Одамлар ўз фуқаросини кадрловчи давлатимиз, меҳрибон Президентимиз борлиги учун қайта-қайта шукроналар қилишмоқда. “Шундай тинч, чиройли ҳаётимизни кўролмайдиган аблаҳлар оромимизни бузишди. Бизга ҳам қурол берингизлар, ул нокакларнинг кўзларидан урадиган қирагай мерганларимиз кўп” - деди кекса чоллардан бири. У кишининг сўзларини тоғлик навқирон йигитлар маъқуллашди.

ЧЕГАРА — ОР — НОМУСИМИЗ...

Харбий штаб ҳовлисидаги суҳбатдошларимиздан бири Сариосиё тумани ички ишлар бўлимининг бошлиғи полковник Менгбой Бозоров бўлди.

— “Сўфиён” ширкатлар уюшмасининг бедарак кетган чўпонларини қидириш учун иккита тезкор гуруҳ тuzдик. Гуруҳлар ўша куниёқ тоғ сўқмоқларида ҳарбийларнинг ботинкаси ва ҳарбий юк халтасини топиб олишди. Бундай шароитда биздан туну кун сергаклик талаб этилади. Чунки чегараларимиз халқимизнинг иймони, ор-номуси билан чамбарчасдир. Бу айниқса, шу кеча-кундузда яққол намён бўлиб турибди...

ШАҲИДЛАР УЧУН ҚАСОС ОЛАМИЗ

Оддий аскар А.Сотибодиев разведкачилик нақадар мураккаб ва айна пайтда ғалаба учун муҳим иш эканлигини амалда кўраётганлиги тўғрисида тўлқинланиб гапирди.

— Қилган машқларимиз, командирларимизнинг сабоқлари зое кетмади, - дейди Абдулазиз. — Синчков кузатишларимизга таяниб берган аниқ маълумотларимизга кўра, аскарларимиз душманнинг қулани кўкка совуришмоқда. Жанг майдонларидан ярадорларни, ўлганларни ва душманнинг қурол-яроқларини олиб чиқиш капитан Боймуродов Абдусатор бошлиқ йигитлар

МИЛЛАТИ ЙЎҚ, ЮЗСИЗЛАР

Маълум бўлдики, келгиндилар олти нафар чўпонларни ўзларининг оғир юкларини тоғ оралиқларида кўтариб юришга мажбур этганлар. Чўпон халқини биласиз, табиатан чўрткесар, иззат-нафси банд ва тўғрисиқ бўлади. Уларга келгиндиларнинг дўқ-пўписаси малол келган ва бу жойларда пайдо бўлиши ёқмаган бўлса керак, кўпам итоат этишавермаган.

Уша чўпонлардан бири Абдимўмин Ботиров шундай деди:

— Бир тўда бадбашара кимсалар тўсатдан пайдо бўлганлигидан ҳанг-манг бўлиб қолдик. Қўллариде қурол, елкалариде оғир-оғир халталари бор эди. Бир кўйимизни сўйиб, қовурма қилиб олишди, бир қисмини ейишди. Кейин оғир юкларини бизга кўтариб, тоғ тепасига қараб жўнашди. Вертолётларнинг тепамизга келиши жонимизга оро кирди...

зиммасидадир. Бу осон иш эмас. Баъзан душманнинг ўқ ёмғири остидан ўтиб, машаққатли тоғ-тошлар орасидан 350-400 метр баландликка оғир юкларни кўтариб чиқиш талаб этилади. Киштутдаги жанг майдонидан

етти нафар душманнинг ўлигини ҳам олиб чиқдик. Соч-соқоли ўсиб кетган, инсонийлик хислати билан бирга одамийлик қиёфасидан ҳам мосуво бўлган ёвузларнинг дабдала бўлган жасадларига нафратланиб, жирканиб қараймиз. Халқимизнинг: “Итга — ит ўлими!”, деган сўзлари шундайларга қарата айтилган бўлса керак...

ВАТАН ҚОНДОЙЛАРИГА

Қалб қаҳрдан қалқиб кетди тонг-сахардан,
Дийдаларим намланди-ку шум хабардан,
Оллоҳ, ўзинг асра бизни хавф-хатардан,
Она-Ватан унутмас мард фарзандини,
Жонин фидо этган азиз дилбандини!

Йигит бўлиб давру даврон сурмадингиз,
Кенг дунёни тўйиб-тўйиб кўрмадингиз,
Белни боғлаб давраларда турмадингиз,
Она-Ватан унутмас мард фарзандини,
Жонин фидо этган азиз дилбандини!

Онажонин ўпмай кетган ўғлонларим,
Ёрига хат битмай кетган ўғлонларим,
Чимилдиққа етмай кетган ўғлонларим,
Она-Ватан унутмас мард фарзандини,
Жонин фидо этган азиз дилбандини!

Ўзбек элим, давлатингдир — Истиқлолинг,
Сақла эркин, озодлигинг, бахт-иқболинг,
Ўз қўлингда келажуғ истикболинг,
Она-Ватан унутмас мард фарзандини,
Жонин фидо этган азиз дилбандини!

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

Фарҳоджон Соҳибоев чи бўлиб ишлайдиган маъқул бир таклифни айтди.

— Оғайнимиз ўғлига суннат тўйи беряпти. Бир кириб муборакбод қилиб



га ярайдиган мард инсон бўлиб етишишини Аллоҳдан тилашди.

ҲУР ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ АЗИЗ

билан учрашувлардаги суҳбатларимиз кун буйи давом этди. Қоронғу тушиб, вақт алламаҳал бўлиб қолганида Сариосиё тумани ҳокимининг штабдаги навбатчиси

чиқсак. Айтгандай, худудига ўша тоғ қишлоқлари ҳам кирадиган “Кўлоб” маҳалласида бўлапти тўй.

Сариосиё паррандачилик фабрикасида ҳайдов

меҳмонлар хонадон соҳиблари шарафига эзгу истаклар билдиришди, тўйбола Илёсжон Ватанига, халқига муносиб садақатли ўғлон бўлиб, келажакда юртининг иши-

Чегарадаги хонадонларимизда ана шундай тўй қувончлари кўп бўлаверсин, юртимизда хур ва осойишта ҳаёт мангу давом этаверсин!..

СЎНГГИ ДАЙДИЛАР

— Ватаниннинг тайини бўлмаган, онаси оқ қилган кимсаларда ор-номус, гурури нима қилсин? Уларнинг патак босган башараларига қарагинг ҳам келмайди, - дейди жангларда қатнашаётган зобитларимиздан бири. — Уларнинг куни битган. Буни ўзлари ҳам билишади. Чунки жангнинг дастлабки кўнлари рация орқали улар ўз “паноҳгоҳларига”, “ёрдам беринглар, тамом бўлдик, кириб ташлашяпти, ортик бардош беролмаймиз”, - дея йиғлаб дод

солишди. Энди эса уларнинг ҳаво орқали алоқалари ҳам тўхтаб қолди. Демак, террорчиларнинг сўнги дайдилари уч-тўрт киши бўлиб тоғларимиздан қочиб кетишга уринишмоқда. Аммо Тамархуд, Ҳамидарача, Кўнқўрмас ва бошқа тоғ қишлоқларида ҳамда жангарилар чиқиб кетиш эҳтимоли бўлган тоғ йўллари, даралар, ғорлар қаттиқ назорат қилинмоқда...

Абдурашул ЖУМАКУЛ, Илҳом ОЛИМ, Сариосиё-Узун, “Туркистон” учун махсус тайёрланди

ЖАНГАРИЛАР ТАЛВАСАДА

Биз турган жойдан икки юз метрлар чамаси нарида ҳозиргина ерга кўнган вертолётдан тушган ҳарбийлардан бири бизни таниб ёнимизга келди. Саломлашдик. У Сариосиё тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи майор Ҳайдаров Нурмуҳаммад эди.

— Хавфсиз жойга кўчирилган фуқаролар ва Киштут, Замбек қишлоқлари худудидаги аскарлар ҳузуридан келяпмиз, - деди Н.Ҳайдаров. — Барчаларининг руҳлари тетик. Душманларнинг қолган-қутганлари талвасага тушиб қолишган.

Ёши олтишдан ошиб қолган Йўлдош Шойкулов суҳбатимизга қўшилди.

— Ёшларимиз душман тўдалари қайси камар ёки пасткамликда яшириниб ётганини аниқлаб, бизга хабар беришмоқда. Буни бир ёқадан бош чиқариб, душманга қарши курашиш дейдилар...

ОСМОНТАЛАШДА БИРИНЧИ ҚОР

Куни кеча Осмонлаш чўққисиде оппоқ қор ёғди. Биринчи қор. Ватангадолар корнинг соғуғидан музладилар, титроққа тушдилар. Уларга берилаётган қақшатқич зарбалардан пароканда бўлган жиноятчиларга табиат ҳам уруш очди. Энди узоқ жон сақлаш осон эмас. Озиқ-овқат захиралари тугаган. Ўқ-дори ва қурол-яроқ омборлари йўқ қилинган. Қочай дейишса, “сичқоннинг ини минг танга”, - қочишга имконият йўқ.

“Камолот” мукофоти совриндорлари

2000 йил учун мукофот комиссияси томонидан маънавият соҳасида — “Ёш куч” журнали бош муҳаррири ўринбосари Абдувоҳид Ҳайитов ҳамда “Маънавият ва маърифат” маркази

ФИДОЙИ ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармаси мукофотида танлов ўтказилиб, совриндорлар аниқланади.

Жиззах шаҳри бўлими бошлиғи Шахло Аҳорова, тиббиёт соҳасида — республика шoshiлнч илмий-тиббий маркази Фарғона филиали эндохирургия бўлими катта ҳамшираси Барчиной Охунова, спорт соҳасида

Давлат мусикали театрининг вокал артисти Элиза Айтиёева, ҳарбий ватанпарварлик соҳасида — 1998 йилдан бери махсус операциялар батальони отрядининг минамётчилар бўлими командири Зокиржон Тоҳировлар номзодлари муносиб топилди. Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар II-Тошкент Давлат тиббиёт ин-



ституту аспиранти Шахло Боқиевага ва “Камолот” жамғармаси Қарши туман бўлими раиси ўринбосари Фарҳод Норқобиловга насиб этди.

СЎЗ — СОВРИНДОРЛАРГА

“Маънавият ва маърифат” маркази Жиззах шаҳри бўлими бошлиғи Шахло АХОРОВА:

— Аввало, “Камолот” мукофоти мени муносиб топишганидан мамнунман. Тўғриси, кутмагандим. Шаҳримизда маънавият ва маърифат соҳасида амалга оширилган ишлар эвазига вилоят жамғармаси номзодимни тавсия этибди. Барча ғайратимни, бор кучимни аямасдан, ишончларини оқлашга ҳаракат қиламан.



Республика шoshiлнч илмий-тиббий маркази Фарғона филиали эндохирургия бўлими катта ҳамшираси Барчиной ОХУНОВА:

— Эндохирургия тиббиётимизда янги йўналиш бўлиб, афзаллиги шундаки, даволаш тигсиз, жароҳатсиз кечади, асосийси эса бемор қон йўқотмайди. Қорин бўшлиғидаги аъзолар касаллиги жуда тез аниқланади.



Мукофот совриндори бўлиш касбга бўлган муҳаббатимни янада оширади. Зеро, олий мақсадим ҳам элга маънам бўлмоқдир.



“Ёш куч” журнали бош муҳаррир ўринбосари Абдувоҳид ҲАЙИТОВ:

— Мукофот аввало менга эмас, балки ёшлар билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлган “Ёш куч” жамоасига берилган, деб ўйлайман. Зиммамизга катта масъулият юклаб, келгусида катта ишлар қилишимизга тўғри келади.

Ўзбекистон — Ватаним мени!

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАРФИБОТЧИСИ

Ёзувчи, таржимон ва тадқиқотчи Махсуд Абдурахимовни тўла равишда маънавий ҳаётимизнинг ва муқаддас қадриятларимизнинг тарғиботчиси, ҳимоячиси ва шайдоси деса бўлади.



Ўзбек тилининг лексик состави, халқ оғзаки ижоди ва таржимануосликни ўрганишга бўлган ҳавас олимни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига етаклади. У ўзбек тили афориэмлари ва фразеологияси масалаларига бағишланган номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Тадқиқотчининг бир қатор илмий ва илмий-оммабон асарлари китобхонлар эътиборига сазовор бўлган.

Махсуд Муғалимович бизга, ёш олимларга кўп марта бир аjoyиб ўзбек халқ мақолини айтиб турди: “Бир кун туз ичган жойга — қирқ кун салом”. Чунки уруш даврида у ўзбек оиласида паноҳ топган. Яъни Махсуд ака бизга сабоқ тарихида “яхшилик кўрган ерингни, одамнингни асло унутма, унга сира ҳам ёмонликни раво кўрма, уни ҳаммаша ҳурмат қил” деб ўғит берадилар. Олим ўша муқаддас ерга ўзининг чуқур ва самимий севги изҳорини “Ўзбекистон” шеърини да мана шундай ифода қилади:

**Юрт бор буюк давлатлар ичра,
Гўзалликда тенгсиз бир маскан.
Озод, мағрур, қадимий шараф,
Ўзбекистон, гуллаб-яшнашга.**

**Куй ўлкаси, кўшиқ жаранглар,
Эртақларга чорлагин, ўлкам.
Гуллаб яшна, жонажон дийёр,
Суюқлигим, яшагин бекам.**

**Куйш меҳри иситар сени,
Оқ олтинлар яшнар бағрингда.
Марғилоннинг ипақлари ҳам,
Тўқилгандир камалат рангда.**

**Шарқнинг тенгсиз дурдонасисан,
Бешингдан чиққан кўп даҳо.
Темур баланд кўтармиш номинг,
Навоий ҳам айлаган наво.**

Маматкул ЖҰРАЕВ,
Жаббор ЭШОНКУЛОВ

Банк ва мижоз

КРЕДИТЛАРИМИЗ ИЧКИ БОЗОРНИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

Ихтисослаштирилган “Замин” давлат-акционерлик ипотека банки бошқаруви раиси ОДИЛ МАВЛОҢОВ билан суҳбат.

— Банк нима учун “ипотека банки” деб аталади? Умуман “ипотека”, “ипотека кредити” тушунчаларини шарҳлаб берсангиз.

— Банкмиз Ўзбекистондагина эмас, балки Марказий Осиёда ягона ипотека банки ҳисобланади. “Ипотека” гаровнинг бир тури бўлиб, гаров нарса-си яъни гаровга қўйилаётган мулк, кўчмас мулкдан иборат бўлган гаров ипотека деб аталади. Шунга мувофиқ тарзда кўчмас мулк гарови, ипотека асосида берилган кредитлар “Ипотека кредити” деб юритилади.

— Газетхонларимиз мамлакатимиздаги бошқа банклардан “Замин” банки турларининг қандай афзалликлари борлиги билан қизиқишадими?

— Бугунги кунда республикаимизда 32 та тижорат банклари фаолият кўрсатаётган бир вақтда, ҳар бир банк бозор шaroитида мижозларнинг талабларини имкон даражада тўлақонли қондиришга ҳаракат қилиши ва бунинг учун бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда янги банк маҳсулотларини мижозларга таклиф этиши зарур.

Шу мақсадда, банкмиз ўз кредит сиёсатини ва кўплаб ички меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқди. Жумладан, “Замин” банки томонидан хўжалик субъектларига ипотека кредитлари ажратишни ташкил этиш қоидалари, “Замин” банки томонидан жисмоний шахсларга уй-жой сотиб олиш,

қуриш ва қайта қуришни кредитлаш қоидалари”, “Кичик бизнесга микрокредитлар ажратишни ташкил этиш қоидалари”, “Истеъмол кредит ажратишни ташкил этиш тўғрисида” низом ва ниҳоят “Замин” банк томонидан хўжалик юритувчи субъектларга қисқа муддатли кредитлар бериш тартиби” қайта кўриб чиқилиб, банк Кенгаши томонидан тасдиқланди ва белгиланган тартибда Марказий банк билан келишилди.

Биз аҳолига истеъмол кредитини таклиф этмоқдамиз. Бу аҳолига узоқ муддат фойдаланиладиган уй-рўзгор буюмларини, телевизор, музлатгич, кир ювиш машиналарни, меблика банк кредити ҳисобида сотиб олиш имконини яратади. Банкмиз кредитнинг бу турини республикада биринчи бўлиб ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб жорий этди.

Фурсатдан фойдаланиб, банкмиз томонидан республикаимиз аҳолиси учун таклиф этилаётган бир қатор омонатлар билан таништириб ўтсак. Булар жумласига, 3 ойлик, 6 ойлик ва 12 ойлик йилига 33 фоиздан 37 фоизгача тўлови билан “Замин”, йилига 33 фоиз тўлови билан “Юлдуз”, йилига 33 фоиз тўлови билан “Ипотека” ва ниҳоят энг охири янги маҳсулотларимиздан бири, 1 ойдан 12 ойгача, йиллик 35 фоиздан 45 фоизгача тўлови билан “Нуруний” омонатлари қиради. Мазкур омонатларимиз тўғрисидаги батафсил маълумотларни банкнинг барча филиалларидан олиш мумкин.

Файзулла ЭШКУЛОВ суҳбатлашди

Очиқ мулоқот

ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ЭЛ БОЙЛИГИ

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги “Қўриқлаш” бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Исроил Тўхтамшиева олиб бориётган ишлар юзасидан бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

— Сиз раҳбарлик қилаётган “Қўриқлаш” бошқарма аксарият қиладган “Қўриқлаш” ҳолларда турли иншоотларни кўриқлаш билан банд экан. Бўлини амалга оширмакдими?

— Вилоятимиз шаҳар, туман ички ишлар бўлиналари ҳузурида 11 та кўриқлаш бўлимлари ва бўлиналари мавжуд. Ушбу бўлиналар томонидан Муборак, Шўртан газ конлари, Ҳисорак, Чимкўрғон, Пачкамар ва Таллимаржон сув омбори, қатор насос станциялари, кўплаб банк муассасалари ҳамда фуқароларнинг хонадонлари ва бошқа иншоотларнинг дахлсизлиги кўз қорачиғидай асраб келинмоқда.

— Жавобингиздан шуни аниқладимки, ташкилотлар раҳбарлари килограмм жами 21 ушбу ҳолатлар юзасидан оғохлантирилиб, матбуотда эълон қилиб борилаётган бўлса-да, айрим фуқароларимиз ҳали ҳам ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмаётганидан афсусланаман.

Тунги соат 2.00 лар чамаси Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани Чиял жамоа ширкати хўжалиги Оқтўнли қишлоғида яшовчи Хўжакулов Нуриддин Қарши шаҳар 2529 сонли автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишловчи фуқаро Ҳақбердиев Норғулат бошқарувида бўлган ЗИЛ-130 русумли автомашинасида Усмон Юсупов тумани “Жейнов” пахта тозалаш заводи товаршуноси Мухтор Пулатов билан жиноий тил бириктириб, ҳар килограмми 3 сўм 70 тиқин бўлган 5850

килограмм жами 21 минг 654 сўмлик пахта чигитини ҳеч бир ҳужжатсиз Чиял жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Мирзаев Шавкатнинг ҳовлисига киритиб, 300 минг сўмга сотишга келишиб турган вақтида “Қўриқлаш” бошқармаси майда ташмачиликка қарши кураш бўлимаси ҳодимлари томонидан қўлга олиниб, айбдорларга нисбатан жиноий иш кўзғатилди.

“Қўриқлаш” хизмати ходимлари айна пайтда бевосита хизмат вазибаларини бажариш билан бирга жойларда жиноятчиликка қарши кураш, содир этилган жиноятларни ўз вақтида очишда салмоқли улуш қўшиб келишяпти.

Хилола АБДУЛЛАЕВА суҳбатлашди

Сизга зарур китоблар

Шайх Азизиддин НАСАФИЙ

“КОМИЛ ИНСОН” КИТОВИДАН ТАРҶАЛАР

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)

Эй дарвеш, мавжудот ичра одамларга берилган бу шараф ва каромат бошқа ҳеч махлуқотда йўқ, нечунки бошқа махлуқотларда бор нарсалар одамда бор, аммо одамларда бор нарсалар бошқа (махлуқот)ларда йўқдир. Бу эса ақлдор. Ақл фақат одамларга берилган ва уларга ҳосдир. Ва одамларнинг бошқа мавжудотдан афзаллиги ақл туфайлидир. Оқил одамларнинг бошқа одамлардан афзаллиги эса илм ва ахлоқ туфайлидир.

Эй дарвеш Худойи таоло барча мавжудотга арз этган ва барча мавжудот кўрқиб қабул қилмаган, аммо одамлар қабул қилиб, шу орқали камолотга эришган ўшал омонат ақлдор.

...Билгилким, оламдаги мавжудотнинг ҳар бири ўз истеъдодига эга. Одамлардан ҳам ҳар бири нимагаки муяссар бўлса, истеъдод туфайли эришгандир. Аммо шунинг билгилким, Парвардигор нурининг сифатлари зуҳури турлича бўлгани каби, унинг одамлардаги зуҳури ҳам турличадир ва шу боис истеъдодлар даражаси ҳам ҳар хилдир, тафовутлидир. Ҳар бир нарса бирор нарса зуҳурининг истеъдодига эга. Агар барча нарсалар бир хил истеъдодга эга бўлганида, илоҳий нур сифатлари зуҳури охиригача балқиб кўринмаган бўларди. Холбуки ақланиш, зоҳирланишдан мақсад ушбу нур сифатларини тўла намоеён этишдир.

Демак, ҳар бир нарсада ўзга бир нарсани акс эттириш истеъдоди бор. Одамзотда эса илмини (ўзида) зоҳир этиш истеъдоди бор. Аммо илмини (ўзида) зоҳир этиш қобилиятига эга одамлар ҳам ушбу истеъдод (қобилият)да тафовутлидирлар (яъни истеъдодлар бир хил эмас). Чунки илмининг хиллари кўпдир ва ҳар бири ўзига хос истеъдодни талаб қилади. Баъзи истеъдод бир хил илмга эга, баъзи истеъдод икки хил илмни (эгаллашга) қобил, баъзи истеъдод ўн та илмга қурби етади, баъзи истеъдодлар эса юз нави илмни эгаллаши мумкин.

Баъзиларнинг истеъдоди ноқис (нуксонли), баъзиларнинг ўртача, баъзилари ники эса комил (мукамал)дир.

Одамлар орасидаги тафовутнинг сабаби шунки: Эй дарвеш, кўпгина одамийлар борки, суботни одамга ўхшайди, аммо одамийлик маъносидан маҳрумдирлар, улар ҳайвонлар ҳисобига қирадилар ва уларда ҳайвонларнинг сифатлари, феъл-атвори намоеён дидир.

Эй дарвеш, одамийлик аломати тўрт сифатдир, яъни: яхши сўз, яхши иш-фаолият, яхши хулқ ва маориф. Кимда ушбу тўрт сифат бўлса - одамийдир, аммо кимдаки бу сифатлар бўлмаса, ни маъналардан эмас. Кимки ушбу тўрт сифатни камолга етказган бўлса Комил инсондир.

Эй дарвеш, яхшилар билан бирга бўл, яхшилар суҳбатини қозонгин, ёмонлар билан бўлма, улар суҳбатидан қоч, чунки киши нимаики топса яхшилар мадади биландир, яхшилар суҳбати шарафатдандир ва кимки ёмон бўлди — ёмонларга эргашиб, ёмонлар суҳбатидан топди. Ва агар яхши ва ёмон одамларни танимокчи бўлсанг, шуни билгилки, яхши одам тўғри сўзди, тўғри иш қиладиган, эзгу ахлокли ва бошқаларга роҳат бағишлайдиган одамдир. Ёмон одам тўғри сўзди бўлмаган, тўғри иш қилмайдиган, бадахлоқ ва кишиларга озор етказадиган одамдир.

Эй дарвеш, тўғри сўзди, тўғри иш қиладиган, эзгу ахлокли ва ўзгаларга роҳат етказадиган бўлишга жидду жаҳд қилгин. Токи сен ўзинг ўзиндан хотиржам (омон) бўлсанг ва ўзгалар ҳам сендан омонда (хотиржам) бўлсалар. Қаредки омон омонлик бўлса, у ер жаннатдир ва қаердаки омонлик бўлмаса (нотинчлик бўлса), у ер дўзахдир. Ахир одамнинг жаннатий ва жаннатда бўлишидан ортиқ неъмат борми? Ва дўзахий бўлиш ва дўзахда бўлишдан кўра ортиқ захмат борми?

Тўғри сўзди, тўғри ниятли, некахлоқ ва роҳат етказувчи одам жаннатийдир, ана шундай тўғри сўзди, тўғри ниятли, некахлоқ ва роҳат етказувчи одам суҳбатини қозонган киши ҳам жаннатдадир.

Эй дарвеш, жаннатга эришган одам қандай саодатли одам ва дўзахга тушган одам нечоғли шақват соҳиби (бадбахт). Жаннатий одам суҳбатига етишган кишининг бахтиёрлиги қандай яхши, у жаннатдадир. Ва бадбахт киши улдириким, бадбахт дўзахий суҳбатда бўлди ва дўзахни топди. Ва алҳамдуллиҳи рабил оламин — оламни эгасига ҳамду сано бўлсин!

Эй дарвеш, доирани тугатган одам кичик оламни тугатган бўлади. Ва инсонийлик мақоматига етган бўлади ва Комил инсон бўлади. Ва кимки кичик олам (доирасини) тугатган бўлса, улуг оламда Худонинг ноиб ва халифасига айланади. Энди унинг вазифаси бошқаларни шундай етукликка олиб чиқишдир. Ва кимки кичик оламда етилмаган бўлса (камол топмаган бўлса), улуг оламда Худонинг ноиб ва халифаси бўлолмайди, у ҳар қанча оламда пешво бўламан деб интилмайди — бунга эриша олмайдир. Бу сўзининг маъноси чуқур ва асослидир, зеро кимки ўзини камолга етказмаган бўлса, у бошқаларни қандай қилиб камолга етказадир. Ва ўзини ўнглай олмаган одам қандай қилиб бошқаларни ўнглай олади?

Форсийдан Нажмиддин КОМИЛОВ таржимаси

“ТУРКИСТОН” ГАЗЕТАСИ КУНЛАРИ

Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят телерадиокомпанияси ҳамда “Туркистон” газетаси тахририяти ҳамкорлигида шу йилнинг 24 август кунини “Муқаддасан, муқаддас Ватан!” қўшиқлар фестивали, шунингдек фестивалъ доирасида “Туркистон” газетаси кунлари ўтказилди.

Унда таниқли ҳофизу қўшиқчилар, эл севган шоир ва адиблар билан бирга эндигина санъат оламига кириб келаётган ёшлар ўз истеъдодларини намойиш этишади.

2000 йил 24 август кунини соат 19:00 да Навоий шаҳридаги “Сўғдийна” ўйингоҳида сизни кутамиз!

Туркистон КАХВАХОНАСИ

ЧЕМПИОНЛИК СУРУРИ

Жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев билан суҳбат

"Спортда сизнинг ва мухлисларнинг эмас, ҳаётнинг истаги амалга ошади"

— Руфат ака, мана бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлганингизга ҳам 26 йил бўлди: Бу давр мобайнида шахсий ҳаётингизда қандай ўзгаришлар юз берди?

— Жаҳон чемпиони бўлганимдан сўнг икки йил мураббий бўлиб ишладим. Кинода роль ижро этдим. Худоба шукр, хизматларимга яраша иззат-икром топдим.

— Сизни машҳур боксчи Муҳаммад Али билан ҳам учрашган дейишади?

— Ҳа, у билан Тошкентда учрашганман. Москва олимпиадасига келган экан. Тошкентни ҳам бир зиёрат қилай дебди. Шу баҳона учрашдик.

— У ҳақиқатдан ҳам зўр боксчимикан?

— Куч синишиб кўрмаганим учун унинг кучига баҳо беришим бироқ қийинроқ. Лекин америкалик спортчиларга хос табиат эгаси эканлигини айтишим мумкин.

— Америкалик спортчилар табиатдаги ўзига хослик нимадан иборат?

— Улар жуда мағрур, ўта мустаҳкам иродали ва эпчил бўлишади. Муомала маданияти эса ўртача. Бу борада ҳеч ким ўзбеклардан ўтолмас керак.

— Жаҳон чемпионати финалида ўнг қўлингизни оштитганиз. Рақибингиз бунни сезмагани?

— Боксда энг муҳими рақибга нозик жихатларингизни билдириб қўймаслик саналади. Тўғриси айтсам, чемпионатнинг финалига бўлган жанглардаёқ чап қўлим синиб, анча ишдан чиқиб қолган эди. Шу боис асосий жанглари ўта эҳтиёткорлик билан ўтказишга тўғри келди. Бунинг устига энг охириги жангни тугатмасданок ўнг қўлим ҳам синди. Фақат ҳимояга ўтиб олдим. Жангнинг сўнгги сонияларига қадар чидадим.

— Ўша вақтда жангни иккитари тўғатиб, рақибингизга таслим бўлишни уйлаганингиз?

— Йўқ. Эҳтимол, менинг ўрнимда бошқа бир боксчи бўлганда ҳам таслим бўлмас эди. Негизи, барча боксчиларнинг иродаси ме-

тиндек мустаҳкам бўлади. Чемпион бўлиш шуниси билан жуда оғир, шуниси билан жудаям гўзал. Бугунги Тайсоннинг, бугунги Григорянининг роҳати билан азоби ҳаммаша баб-баравар. Уларга ҳеч қачон осон бўлмайди.

— Модомики, суҳбатимиз Артур Григорянга тақалган экан, айрим мулоҳазаларингизни ўртоқлашсангиз. Маълумки, у профессионаллар ўртасида ўн

3 нафаргина жаҳон чемпиони бўлса-ю, бундан фахрланмай бўладими?
— Футболда Абдураимовлар, курашда Курбонвалар сулоласи маъжуд.



Икки бор жаҳон чемпионлигини кўлга киритди.

— Унинг борига шукр. Григорян кўлга киритган ютуқларга ҳамма ҳам эришавермайди. Аслида "ундай қил, бундай қил", дейиш ўрнига уни қўллаб-қувватлаш даркор. Зеро, Ўзбекистон Артур Григорянининг номи билан ҳам беш-олти йилдан бундан деннинг диққат марказида турибди.

— Сиздан кейин ҳамюртларимиз Ўткирбек Хайдаров ва Муҳаммадқодир Абдуллоевлар ҳам жаҳон чемпионлигини кўлга киритишди...

— Мен бундан янада машҳурлангандек сезялман ўзимни. Чунки Ўткир билан Муҳаммадқодир эсланган жойда албатта менинг номим ҳам тилга олинади. Юз одамдан тўқсон-тўққиз нафари албатта "чемпионларнинг бири-иниси ким эди?" деб сўраши шубҳасиз. Ўша биринчи-си албатта камини камтарин Руфат Рисқиев бўлади.

— Чемпионлигингиз билан ҳозир ҳам фахрланасизми?

— Бунга юз фоиз ҳаққим бор. Ўзингиз ўйлаб кўринг, йигирма уч миллиондан ортик аҳоли ўртасида бор-йўғи

Шуниси борки, боксда ҳам Рисқиевлар сулоласи бўлиши табиий эди. Аммо бу амалга ошмади, сабаби нима?

— Сабаби — ҳаёт. Спортда сизнинг ва мухлисларингизнинг истагани эмас, балки ҳаётнинг истагани амалга ошади. Тўғри, сиз айтгандек Рисқиевлар сулоласи бўлса, ҳамма кувонарди. Аммо инсон борига ҳам шукр қилиши лозим.

— Саксонинчи-тўқсонинчи йилларда Руфат Рисқиевнинг тоби йўқроқ, деган гапни кўп эшитар эдик. Ҳозир соғлигингиз қандай?

— Худоба шукр, зўрман! Нойлайдиган жойим йўқ. Ишларим беш. Нафақа олиб, хузур қилиб юрирман. Бир неча йил олдин АҚШга бориб даволаниб ҳам келдим.

— Бугун кўпроқ нима-лар ҳақида ўйлайсиз?

— Ёшим кексалик томон бораётгани эсимга тушса, "Руфат, борингга балли, сен ҳам кўп қатори кексаймоқдасан!" дейман. Шу дунёда инсон бўлиб яралганимга хурсанд бўламан.

Тургун ҲУЛОЛОВ
суҳбатлашди

АШУЛА КЎП, ЯХШИ ҚЎШИҚ КАМ...

Хонанда Бекназар Дўстмуродов қўшиқларини тинглаб

Бекназар Дўстмуродов мумтоз жанрларда Хоразм, Фарғона-Тошкент мусиқа йўлларида кўшиқ ижро этишни хуш кўради.

У ўзи ихлос қўйган Жўраҳон Султонов, Тўхтасин Жалилов, Қувондиқ Исқандаров, Ортик Отажонов каби йирик санъаткорлар қўшиқларини хузур қилиб ижро этади.

Хонанда ўз сеvimли жамоаси билан кейинги йилларда бир қанча хорижий давлатларда ижодий са-

фарда бўлиб қайтди. 1994 йили Мирзо Улугбек таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО таклифи доирасида Парижда бўлиб, ўзбек мусиқа санъатини намойиш қилди. Икки Бор Хиндистон ва Германияда концертлар берди. 1999 йили АҚШ ижодий сафарига бўлди.



"Мени қойил қилган жойи, - дейди хонанда Бекназар Дўстмуродов, - чет эллардаги мухлисларимиз қўшиқни, куйни, танбур овозини жуда нозик тушуниб тинглашади. Улар орасида ўзбек ҳам, инглиз, немис, француз ҳам бор. Уларнинг барчаси бирдай, санъат сеҳридан баҳраманд бўла олишади. Улар овозни табиий эшитишни маъқул кўришади. Бундай нозик таъб мухлислар орасида

Танбур навоси
қўшиқ айтганингизда, маза қилсан!

Бекназар Дўстмуродов каби хонандалар истеъдод сифатида мустақиллик фарзанди ҳисобланади. Янгилаётган кадрятлар, мумтоз ўзбек миллий санъати — мақомни асрлар оша келажак авлодларимизга олиб ўтаётган санъат фидойилари, хоксор хонандаларга: "Нафасингиз тонги булбул хонишайди хушнаво, мақом сингари умрбоқий бўлсин!" - деймиз.

М.ФАФФОРОВ

Камалак

МУҲАББАТ ҚАЙТАДИ... ҚАЙТМАЙДИ...

Туман марказида жойлашган китоб дўконига ҳеч ким йўқ. Фақат сотувчи кизнинг қўлидаги китоб заррининг шитирлаб очилиб-ёпилиши дўкон жамлигини бузиб турибди.

Ҳафиза дарсхоналар бўлимида ўқиган китобни тополмади. Ёшлиқдаги одатига кўра бадиий адабиётлар бўлимига нигоҳ ташлади. Китоблардан бирининг муаллифи танишдек туюлди. У шошиб ўша китобни олди. Муаллиф суратини кўрғач эса ўша экан, деди шивирлаб.

Ҳафизанинг хаёли ўтган кунларга кетди. Иккаласи синфдош эди. Зариф унинг сочини тортиб қочар, Ҳафиза йиллар, гоҳ жаҳланиб Зарифни қувлаб юрарди.

Ўтаётган йиллар улардан болалик шодликларини олиб кетди. Улар қалбига энди бошқа бир туйғу — муҳаббат ташириб булорди. Ҳафиза йилнинг кўрғанда кўзлари қулагидан бўлди. Зарифнинг сеҳрини эса шерьлар ошқор этарди. Мактабни битиргач, Зариф институтга жўнади. Ҳафиза бўлса далага чиқди. Зариф ўқишга киролмади. Севишганлар бег чекасидаги тераклар панасида учрашадилар.



Сайёра ШОЕВА

— Мени-ку, отам юбормади. Билмасам, омадим чопиб қолармиди. Сизнинг ҳам ўқишга киролмаганингиз баттар ўртайдим мени, - деди Ҳафиза.

Зариф индамади. Ожизта шерь ўқиди: Армонлар эврилиб бир куйи ишон, Омадининг қўлидан туттайман албат. Сўнг:

— Бу йилча ишлайман, келаси йил насиб бўлса ўқишга киролман, сўнг она кураимиз. Бир-биридан ширин фарзандларимиз бўлади, - деди. Ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан. Зариф яна муродига етолмади. Кейинги йил ҳам ўқишга киролмагач, дарбига жўнаб кетди. Кетгидан олдин улар яна ўша "ўз жойлари" да учрашдилар. Зариф терак танасига "Зариф+Ҳафиза" деб ёзиб қўйди. Зариф хизматда юрганида Ҳафизанинг хоҳишига қулоқ тутмасдан дадаси уни бошқа йилгитта узатиб юборди.

Зариф хизматдан қайтиб ўқишга кирди. Шаҳарда яшаб қолди. Иккаласи бошқа кўришадилар. Мана китоби ҳам чиқибди. Ҳафиза аввалига китобни сотиб оломқчи бўлди. Сўнг илкис мижоро қилишини ўйлаб, қайтариб жойига қўйди. Ҳар қандай қишлоқда бўлганидек қишлоқдаги баъзан "суюнчиҳур" лар Илҳомга уларнинг сеғви тарихини билдиришган. Китобни ташлаб кетишга эса кўзи қиймади. Яна кўлга олди.

Сўнг жовдираб турган кизининг нигоҳидан уялиб қизарган кўйи китобни қўйди-ю, ташқарига йўналди. Эшикка етганида беихтиёр ортига ўтирди. Китоб ундан гина қилгандек турарди. Ахир, уни бошқалар, бегоналар олиб кетади-ку! У орқага қайтмоқчи бўлди. Шунда кизини эгадиган тортиди. Ҳафиза англади. Ҳеч қачон орта йўл йўқ. У кетиб бораркан, ортида катта китоб дўкони мўъжазгина кизини муқовали китобга айланиб, уни таъқиб этар ва ўзи томон чорларди.

Ёшлиқ баҳслари

Бойлар ҳам йиғлайди

Ҳозир менинг ҳамма нарсам бор. Иккитасиди факультетини тугатиб, фирмада ишлай бошладим. Мен кўп нарсага эга бўлдим, айти пайтда кўп нарсани йўқотдим ҳам. Бир вақтдаги дўстларим қаерга кетишди?

Тўғри, биз бой бўлиб кетдик. Лекин бизнинг туйғуларимиз сира ўзгаргани йўқ. Аввал қандай бўлсак, ҳозир ҳам шундаймиз. Дугоналарим билан оддийгина кўйлак, арзон баҳоли сумкачада ҳамда арзонгина пардозда учрашиш ҳам тўғри келмайди. Шунинг учун нозик давраларда улар билан бирга бўлишдан ўзим-ни тортиб



Санобар МУРОДОВА

қолдим. Дугоналарим ташқи кўринишидан уялиб менга эргашмай қўйишди. Мен дўстларимга со-вға ула-йишни хоҳлайман ва бу албатта қўлимдан ҳам келади. Шунингдек, кишиларни ноқулай аҳволга солиб қўйиш ҳақидаги қонун-қоидаларни ҳам яхши биламан. Лекин бу ўринда бировнинг кўнглини олиш жуда қийин: Арзонроқ нарса олиб борсанг хасисга ўтасан, арзирли нарса олиб борсанг сени қайнаб-тошган бой, деб гийбат қилишади. Хуллас, мен икки ўт орасида-

ман. Балки менинг ҳозирги ҳаётимда янги дўстлар топишим маъқулроқмикан, деб ўйлайман. Лекин бой аёллар ҳам ошиб-тошиб ётгани йўқ. Ким билсин, балки уларда ҳам худди шундай нохуш таассурот қолдирарман. Баъзи пайтларда ўз-ўзимдан ҳам хафа бўлиб кетаман: арзиманган бир латта ёки нарса учун мендан узоқ йиллик алоқаларини узмоқчи бўлаётган дугоналарим менга ҳеч қачон содиқ бўлмаганлар, деган хаёлга бораман-у, кўнгли курғур тагин ўшаларга қараб талпинаверади.

Сиз нима дейсиз?..

Мустақиллигимизнинг яқинлашаётган тўққиз йиллик байрами билан юртдошларимизни муборакбод этамиз!

Ёш аълоғни фидойи, Ватанпарвар, марг Ва олижаноб қилиб тарбиялашга ҳаммаша камарбастамиз.

Республика Таълим маркази



Кўчада Уйда Абдурашул ҲАКИМОВ чизган сурат

"Ж" ҳарфи билан бошланади

ЭНИГА: 5. Ўзбек виноси тури. 6. Қимматбаҳо тош. 10. XVIII-аср охири, XIX аср бошларида яшаган ўзбек шоири Қурбон тахаллуси. 11. Кир ювиладиган тоғора. 12. Бирор давлат ҳақида маълумот тўплаш учун бошқа давлат томонидан қўйилган шахс. 16. Меҳнатни жондан ҳам ортик кўрайдиган. 18. Пул ўрнига ўтайдиган ёки бирор нарса олиш ҳуқуқини берадиган металл нишон. 19. Чўри, оқоч. 20. Ожизта денгизининг шимолий-ғарбий соҳилидаги тоғлар. 21. Ўзбек шоири, ёзувчи ва давлат арбоби Ш.Рашидов таваллуд топган вилоят. 25. Хотин-қизларнинг бўйига тақиладиган зийнат буюм. 26. Ўзбек фазогери. 32. Ахборот агентлиги. 33. Соч тақинчоғи. 34. Мой чиқариш қурилмаси. 35. Рельссыз транспорт машинаси. 36. Римлик врач ва табиатшунос олим.

БҮЙИГА: 1. Далв ва Қавс буржлари ўртасидаги бурж. 2. Турли анжомлар қўйиладиган мебель. 3. Саволга бериладиган сўз. 4. А. Навоий дафн этилган шаҳар. 7. Олтин Ўрда хони, Ўзбекистоннинг иккинчи ўғли. 8. Фарғона лоласи. 9. Яқин кишилардан йироқдаги ҳаёт. 13. Зомин туманидаги сой. 14. Жазирама офтобда ёки ўтда обдон қизиган. 15. Сеҳргар, афсунгар. 17. Иш кийими. 22. АҚШ космик кемалари номи. 23. Эртапишар, чиллаки. 24. Тоқ туюқли хайвон. 28. Илм-маърифатдан махрум, қолоқ, нодон. 29. Хавфхатардан, қийинчиликлардан қўрмайдиган. 30. Қишлоқ совети. 31. Амазонка дарёсининг ўнг ирмоғи.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 16 август сониде эълон қилинган бошқотирма жавоблари

- 1. "Республика". 2. "Хуррият". 3. "Туркистон". 4. "Мулқдор". 5. "Ватан". 6. "Маърифат". 7. "Жарчи". 8. "Заковат". 9. "Ёзувчи". 10. "Кўзгу". 11. "Постда". 12. "Гулчехралар". 13. "Афанди". 14. "Махалла". 15. "Даракчи". 16. "Адолат". 17. "Ишонч". 18. "Хабар". 19. "Фидокор". 20. "Ватанпарвар". 21. "Тасвир". 22. "Савдогар". 23. "Садо". 24. "Нуроний". 25. "Холис". 26. "Хуқуқ". 27. "Спорт".

"Туркистон" тахририяти жамоаси газёта муҳбири Пўлат ЭРМАТОВГА падари бузруквори Бахтиёр ЭРМАТОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади

БОШҚОТИРМА

